O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2005 йил 5 февраль, № 25 (3570) Шанба


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

### Р.С.Азимовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — иқтисодиёт вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Рустам Содиқович Азимов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — иқтисодиёт вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 3 февраль.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

### Э.М.Ғаниевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — ташқи ишлар вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Элёр Мажидович Ғаниев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — ташқи ишлар вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 3 февраль.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибини тасдиқлаш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси 8-қисмига мувофиқ янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қарори билан Ш.М.Мирзиёев Бош вазир лавозимига тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 98-моддасининг 2-қисмига мувофиқ қуйидагилар Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари этиб тасдиқлансин:

**Мирзиёев Шавкат Миромонович** — Бош вазир, агросаноат комплекси раҳбари

**Азимов Рустам Содиқович** — Бош вазирнинг биринчи ўринбосари — иқтисодиёт вазири, иқтисодиёт комплекси ҳамда истеъмол товарлари ва савдо комплекси раҳбари

**Тўхтаев Абдуқаҳҳор Ҳасанович** — Бош вазир ўринбосари, коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси раҳбари

**Султонов Ўткир Тўхтамуродович** — Бош вазир ўринбосари, ёқилғи-энергетика, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари комплекси раҳбари

**Арипов Абдулла Нигматович** — Бош вазир ўринбосари — Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори, ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалалари комплекси раҳбари

**Қосимов Рустам Собирович** — Бош вазир ўринбосари — олий ва ўрта махсус таълим вазири, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси раҳбари

**Ғаниев Элёр Мажидович** — Бош вазир ўринбосари — ташқи ишлар вазири, ташқи алоқалар масалалари комплекси раҳбари

**Иномова Светлана Турсуновна** — Бош вазир ўринбосари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси

### Вазирликлар

**Абидов Оқилжон** — меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири

**Азизхўжаев Алишер Аббосович** — маданият ва спорт ишлари вазири

**Алматов Зокиржон** — ички ишлар вазири

**Ғуломов Қодир Ғафурович** — мудофаа вазири

**Жўраев Туробжон Икромович** — халқ таълими вазири

**Исмоилов Сайфиддин Умарович** — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири

**Мустафоев Бўритош** — адлия вазири

**Назиров Феруз Ғафурович** — соғлиқни сақлаш вазири

**Раҳимов Саидаҳмад Бориевич** — молия вазири

**Субанов Бахтиёр Жумабоевич** — фавқулодда вазиятлар вазири

### Давлат қўмиталари

**Асқаров Маҳмуджон Ахматович** — Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси

**Аҳмедов Нурмуҳаммад** — Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси

**Қудратов Ғофуржон Собирович** — Давлат статистика қўмитаси раиси

**Матлюбов Баҳодир Аҳмедович** — Давлат божхона қўмитаси раиси

**Парпиев Ботир Раҳматович** — Давлат солиқ қўмитаси раиси

**Сайфиддинов Жамшид Бадриддинович** — Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси

**Тўхтаев Азамат Рамзитдинович** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси

**Абдуазизов Абдували** — Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси раиси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 4 февраль.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Сенат қўмиталарининг раислари иштирок этдилар. Мажлисни Сенат раиси М. Шарифхўжаев олиб борди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида илгари сурилган асосий вазифалар муҳокама қилинди.

Парламент юқори палатаси қўмиталари фаолиятининг жамиятни янада демократлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш стратегияси ижросига қаратилган асосий йўналишлари белгилаб олинди. Қўмиталар ўз иш режаларини мамлакатимиз раҳбари парламент ҳар икала палатасининг қўшма мажлисида белгилаб берган асосий вазифаларга таянган ҳолда тузиши зарур эканлиги қайд этиб ўтилди. Кенгаш иштирокчилари Сенат фаолияти оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилиши зарурлигига алоҳида урғу бердилар.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ишини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди.



## *Чўлда туп қўйиб, палак ёйганлардан бири*

*Ўзингиздан қолар гап йўқ, халқимиз кексаларни ниҳоятда эъзозлайди. Уларни оқиб турган дарёга қиёслайди. Бу бежиз эмас. Нуроний отахону онахонларимиз, ёшларга мудом ҳаётий тажрибалари, жўяли панд-насиҳатлари билан ибрат кўрсатадилар. Ҳамиша эл-юрт ободлигини таъминлашга, оилалар тотувлигини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, миллий урф-одатларимизни қадрлашга интиладилар.*

*Гулистон туманининг Оқолтин қишлоғида яшовчи Тўхтахон Мингбоева ҳам ана шундай табаррук қарияларимиздан. У аслида андижонлик бўлиб, Сирдарёга Мирзачўлни ўзлаштириш пайтида келганди. Шу ерда туп қўйиб, палак ёйди. Ҳалол ишлаш билан бир қаторда олти фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Эларо обрў-эътибор топди. Ҳозир ҳамқишлоқлари ардоғида яшамоқда.*

**СУРАТДА: сирдарёлик онахон Тўхтахон Мингбоева.**

**Муҳаммад КАРИМ (ЎзА) олган сурат.**

## БИЗНЕС БОШҚАРУВЧИЛАРИНИНГ САФИ КЕНГАЙМОҚДА

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ).***

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Профессионал менежмент дастурининг навбатдаги курслари тингловчиларининг битирув маросими бўлиб ўтди.

2004 йил 5 августдан 2005 йилнинг 26 январига қадар мамлакатимиздаги кўплаб етакчи компания ва ташкилотларнинг элликка яқин мутахассиси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва Япония ҳукумати ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур курсларда таҳсил олди. Салкам ярим йил мобайнида улар Япония бизнес бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари билан танишиб, билим ва малакасини бойитиш имконига эга бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон ва Япония ўртасида бошқа соҳаларда бўлгани каби, кичик бизнесни ривожлантириш бўйича ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, корхоналарни бошқариш бўйича биргаликда мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Кўплаб ўзбек ишбилармонлари Кунчиқар мамлакат тадбиркорлари билан бу борада ўзаро тажриба алмашиб келмоқда.

Маросимда Японияning Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичи Кусумото иштирок этди.

*Долзарб мавзу*

## МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ИСЛОҲ

### *1. Икки устувор соҳа*

Президентимиз Ислом Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги дастуриламал маърузасида «Заҳматкаш ва фидойи халқимизнинг меҳнати, эзгу интилишлари билан кириб келаётган янги юз йиллик юртимиз учун чинакам юксалиш ва саодат асри бўлғай, иншооллоҳ» деб қатъий ишонч билдирган эди. Орадан беш йил ўтиб, мана, бугун биз ана шу эзгу мақсад қай даражада рўёбга чиққанини кўриб-билиб турибмиз. Эришилган ютуқларимизни ҳатто бутун жаҳон ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда.

Бу ютуқлар нималардан иборат?

2000 йилда, масалан, биргина инвестиция дастурини тўлиқ амалга ошириш учун молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан иқтисодиётимизга 700 миллиард сўм атрофида, жумладан, салкам 810 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилган эди. Натижада пойтахтда нометалл қувурлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Хобас-ТАПО» ва сантехника жиҳозлари ишлаб чиқарувчи «Ўзсматана-Сантехника» қўшма корхоналари, Тошкент вилоятида универсал фосфорли-азотли ўғитлар ишлаб чиқарувчи завод, Андижон вилоятида чарм маҳсулотлари тайёрлайдиган «Олтин дери» қўшма корхонаси ва бошқа объектлар ишга туширилди.

Булардан ташқари, «Шўртан» газ-кимё мажмуи, Янгийўл целлюлоза-қоғоз фабрикаси, Тошкент вагонларни таъмирлаш корхонаси, Фарғона фуранли қоришмалар заводи, Шаҳрихон туманидаги «Антекс» ҳиссадорлик жамияти тикув фабрикаси, Қоракўл туманида «Қоракўлтекс» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси қурилиши ниҳоясига етказилди.

Ўтган 2004 йилга келиб, хусусан, мамлакатимиз реал иқтисодиётига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 5,2 фоиз ўсиб, ялпи ички маҳсулотнинг 20 фоизини ташкил этди. Иқтисодиётимизга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш эса 1,5 баробар кўпайди. Пировардида Сурхондарё вилоятида «Сурхонтекс», Тошкент вилоятида «Ядем текстил», Андижон вилоятида «Балиқчитекс», Қорақалпоғистон Республикасида «Берунийтекс», Тошкент шаҳрида «Алким текстил», «Тож Кая текстил», Чирчиқда «Бурсел-Тошкент текстил» каби 17 та қўшма корхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уларнинг умумий қиймати 180,6 миллион АҚШ долларига тенгдир.

Шунингдек, бултур Амударё узра 681 метр узунликдаги замонавий автомобиль-темир йўл кўприги барпо этилди. «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўлининг 57 километрлик участкасида ишчи поездлар, «Тошкент-Самарқанд» ва «Тошкент-Ангрен» йўналишлари бўйича электр поездлар қатнови йўлга қўйилди.

Муҳими, ўтган йили республикамизда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоиз, истеъмол моллари ишлаб чиқариш — 13,4 фоиз, жумладан, саноат товарлари ишлаб чиқариш 18,6 фоиз ортиб, маҳсулот экспорти 30 фоизга ошдики, буларнинг ҳаммаси аҳоли реал даромадлари 15 фоиз ўсишига олиб келди. Янаям аниқроғи, бу бугун мамлакатимизда аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини босқичма-босқич ошириб боришни таъминлай оладиган зарур шарт-шароитни яратиш имконини берди.

(Давоми 2-бетда).

## *Жойлардан хабарлар*

### Бир зумда Исроилга саёҳат

Бухорода Исроилнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ташаббуси билан «Имкониятлар» деб номланган суратлар галереяси очилди.

— Кўргазмада намойиш этилаётган юзга яқин сурат мамлакатимизнинг бугунги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади, — деди Исроилнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Эммануэль Ами Мель «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда.

### Ойига тўрт миллион дона

Самарқанд туманидаги паррандачилик фабрикаси негизида ташкил топган «Мароқанд-Парранда» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасида тайёрланаётган маҳсулотлар ҳажми тобора кўпаймоқда. Бунда Болтиқбўйи мамлакатлари, Россия, Бразилия ва Перудан ем аралашмалари учун ноёб витаминларнинг олинаётганлиги қўл келаётир. Илгари бу ерда ойига 2,5-3 миллион дона тухум олинган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 4 миллион донадан ошди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ўсмирларга туҳфа

Қорақалпоғистон Республикаси Ўсмирлар маркази Нукусдаги энг муҳташам бинолардан бирига кўчиб ўтди. Пиржон Сейитов кўчасидаги бўшаб қолган иморатни таъмирлаш учун 30 миллион сўм, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар учун 15 миллион, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари учун 17,8 миллион сўм сарфланди.

Ушбу янги бинода Ўсмирлар марказининг самарали фаолият олиб бориши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## *Жаҳон 24 соат ичида*

### Поезд тўқнашуви

***Ҳиндистонда йўловчи поездининг трактор билан тўқнашиб кетиши оқибатида 52 киши ҳалок бўлди, деб хабар беради Reuters ахборот агентлиги. Воқеа Нагпур шаҳридан 22 км. узоқликда юз берди. Маълум бўлишича, поезд 70 нафар одамни ортиб кетаётган тракторнинг тиркамасига урилган. Ҳалок бўлганлардан 30 нафари аёллар, 17 нафари болалардир.***

***Шунга ўхшаш ҳалокат кеча Қозоғистоннинг Жамбул вилоятида ҳам юз берди. РИА «Новости» тарқатган хабарларга қараганда, 19 та вагоннинг рельсдан чиқиб кетиши натижасида 2 киши ҳалок бўлган. Яна 2 нафар инсон оғир аҳволда шифохонага ётқизилган.***

### Можаро давом этмоқда

***БМТнинг «Нефть ўрнига озиқ-овқат» дастури билан боғлиқ қоидабузарликларни текшириб чиқиш учун махсус тузилган мустақил комиссия раиси Пол Волкер мазкур дастур раҳбари Бенон Севанни айбламоқда. Айбловда айтилишича, Севан Саддам Ҳусайн ҳукуматидан нефть сотиб олиш имкониятига эга бўлган компаниялар ўртасида «кечириб бўлмас манфаатлар тўқнашуви»га йўл қўйган. Бу компаниялар орасида ҳозирча Швейцария, Голландия, Британия фуқароларига қарашли фирмалар ҳамда бир француз банки тилга олинмоқда.***

***Волкернинг журналистларга берган баёнотидан маълум бўлдики, ҳозир БМТнинг собиқ Бош котиби Бутрос Бутрос-Ғолий устидан ҳам текширувлар бошланган.***

### Самолёт йўқолди



***BBC Newsнинг хабар беришича, пайшанба куни кечқурун Афғонистон ҳудудидан учиб ўтаётган, ичида 96 нафар йўловчи ва 8 нафар экипаж аъзолари бўлган фуқаро самолёти ғойиб бўлган. Ҳирот-Кобул йўналиши бўйича ички рейсни амалга ошираётган Kam Air авиакомпаниясига қарашли ушбу Boeing 737 ҳаво лайнери билан алоқа парвоз бошланганидан сўнг 2 соат ўтгач узилган. Компания раҳбарининг баёнотига кўра, учишдан олдин ўтказилган текширувларда ҳеч қандай носозликлар аниқланмаган. Кейинроқ ИРНА агентлигидан олган маълумотларимизга кўра, самолёт Кобулдан 30 км. узоқликдаги Ҳоки-Жабар тумани ҳудудида қулаб тушган. Йўловчилар ва экипаж аъзоларининг барчаси ҳалок бўлган, дейилади ИРНА хабарида.***

### Қурбонлар сони 238 мингдан ошиб кетди

***Индонезия соғлиқни сақлаш вазири ўтган йилнинг 26 декабрида юз берган цунами натижасида ҳалок бўлган ва бедарак йўқолганлар сони тўғрисида берган янги маълумотларга кўра, қурбонлар сони яна 1874 нафарга ошиб, жами 238 минг 945 кишига етган. Шу пайтгача 111 минг 171 фуқаро дафн этилган.***

(Давоми. Боши 1-бетда).

# МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ИСЛОҲ

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги дастуриламал маърузасида эса мамлакатимизни 2005 йил ва келгуси даврда модернизация ва ислоҳ этишнинг асосий устувор вазифалари, методологик ва ташкилий тамойиллари аниқ белгилаб берилди.

«Албатта, биз, аввалгидек, давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ва ҳамда модернизация қилишда ўзбек моделининг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичлик тамойилига бундан буён ҳам қатъий амал қиламиз», — деб таъкидлади Юртбошимиз.

Асосий устувор вазифаларга тўхталсак, аввало, булар — бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш, хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириб, унинг иқтисодиётдаги улушини кўпайтириш, кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш бўйича ишларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш.

Булар, шунингдек, банк ва молия тизимларидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, уй-жой-коммунал хўжалигини ислоҳ қилишга ниҳоятда жиддий эътибор қаратиш, солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришдир.

Ана шу энг муҳим йўналишлар ва устувор вазифаларнинг барчаси охир-оқибатда мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш мақсадларини кўзда тутади. Мисол учун, биргина кичик бизнес соҳасини олиб кўрайлик.

Маълумки, тадбиркор — эркин, ташаббускор ва изланувчан одам. Бу тоифадаги одамлар ҳадеганда давлатнинг ёрдамига кўз тикиб, қўл қовуштириб ўтиришни ўзлари учун ор деб биладилар. Йўқдан бор қилсалар қиладиларки, аммо борини йўқ қилмайдилар. Чунки айни шу бор нарса — ўзининг хусусий мулки-да!

Устига устак, уларнинг тадбиркорлик фаолияти, яъни кичик бизнес ишлаб чиқаришининг аҳамияти беқиёс. Якунланган йилда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 35,6 фоизга етгани, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 425 мингдан зиёд янги иш ўринлари очилгани шундан далолат беради.

Бироқ тадбиркорликнинг беқиёс имкониятлари инобатга олинса, бу кўрсаткичлар ҳали етарли эмаслиги аён бўлади. Шу боис унинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссасини 2007 йилда ҳозирги кундаги 35,6 фоиздан 45 фоизга етказиш мўлжалланмоқда. Бу муддаога эришиш мақсадида кичик бизнес учун қўшимча кафолат, имтиёз ва преференциялар берилади. Солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг содда усулларини ишлаб чиқиш, кичик бизнесни ариза бериш асосида рўйхатга олиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш, буюртма асосида йирик корхоналарга майда бутловчи қисмларни ишлаб чиқарадиган янги кичик корхоналарни ташкил қилиш, хонадонларда майда хусусий цехлар очишни рағбатлантириш, айниқса, қишлоқ жойларида касаначиларга моддий-техник таъминот бўйича хизмат кўрсатадиган, уларнинг маҳсулотларини сотишга ёрдам берадиган тузилмалар яратиш шулар сирасига киради.

Ишлаб чиқаришнинг жадал модернизация қилиниши, замонавий қувватларнинг ишга туширилиши, шубҳасиз, худди аввал бўлганидек, истеъмол бозорини сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилади, албатта.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, фақат замон билан тенг қадам ташлаётган, тез ўзгараётган дунёнинг қатъий шарт ва талабларига жавоб беришга интилаётган мамлакатнинг келажаги ёруғ бўлиши мумкин. Шу маънода, мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш ҳамиша устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади. Фақат мана шу асосда, мана шу негизда мамлакатдаги камбағаллик ва қолоқлик муаммоларини ҳал эта оламиз.

Бу ҳақиқатни Ўзбекистон деб аталмиш муқаддас заминда яшовчи инсон борки, ҳар биримиз қон-қонимизга, бутун вужудимизга сингдириб, янги беш йилликка мўлжалланган жамики устувор вазифаларнинг ижросига ўз улушимизни қўшмоғимиз, бардам ва тетик руҳда, ўз кучимиз ҳамда истиқболга ишонган ҳолда, бу ишга фаол киришмоғимиз даркор. Ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаган халқимиз, унинг бунёдкор фарзандлари бунга қодирдир.

**Иқром ЎТБОСАРОВ.**

(Давоми бор).

## «ЖАНАЖАП»НИНГ СУВИ ҲИСОБЛИ

*НУКУС (ЎзА мухбири А.ОРТИҚБОЕВ).*

**Қорақалпоғистонлик деҳқонлар сув қадрини, айниқса, яхши билади. Унинг ҳар қатрасидан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилади.**

**Хўжайли туманидаги "Оқолтин" ва "Озодлик" ширкат хўжаликларини обиҳаёт билан таъминлайдиган асосий манба — "Жанажап" каналида ишлаб турган ўнта насоснинг иккитаси янгиланди. Уларнинг ҳар бири минутига 7,5 минг кубометр сув чиқариш қувватига эга. Эски насосларнинг қуввати 500 кубометрдан ошмасди.**

**Бу янгилик ҳар иккала хўжаликка катта иқтисодий фойда келтиради.**

# ИҚТИСОДИЁТ янгиликлари




***Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талаблари жойларда изчил амалга оширилмоқда.***

Хусусан, Қонликўл туманидаги "Қонликўл" ширкат хўжалиги негизида яна тўққизта фермер хўжалиги ташкил этилди.

Хўжалик тасарруфидаги 1742 гектар ер тендер асосида фермерлар ихтиёрига берилди.

## Тотли шарбатлар

Пойтахтдаги "Inter Sok" Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси Россиянинг "Лебедянский" очиқ турдаги акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда лойиҳа қиймати 2 миллион АҚШ долларилик заводни ишга туширди. "TetraPak" компаниясининг замонавий технологиялари билан жиҳозланган, йилига 20 миллион литр мева шарбатлари ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур корхонада 60 нафар киши иш билан таъминланди.

## Савдо авжида

***"Тошкент" республика фонд биржасида жорий йилнинг ўтган даврида 77 та акциядорлик жамиятининг 1532,9 минг дона акциясини сотиш юзасидан 166 та битим тузилди.***

Бу битимларга кўра, миллий валютадаги маблағ айланиши 1156,8 миллион сўмни ташкил этди. Шундан 610,2 миллион сўмлиги ёки 52,7 фоизи иккиламчи бозорда сотилди. Харид қилинган акцияларнинг 35 фоизи, яъни 404,7 миллион сўмлиги "Давинком" фирмаси томонидан сотувга қўйилган хусусийлаштирилган корхоналарнинг қимматли қоғозларидир.

## Кўкламни кўзлаб

***Сурхондарё вилоятида кўкламги экиш ишларига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Жумладан, мавжуд техника воситаларини сифатли таъмирлаш, ариқ-зовурларни тозалаш, ерларни текислаш каби юмушлар оби-тобида олиб борилмоқда.***

Пахта тозалаш ва уни қайта ишлаш корхоналарида эса 16 минг тонна уруғлик чигит сифатли дориланиб, ширкат ва фермер хўжаликларига жўнатишга тахт қилиб қўйилди.

Жорий йилда сурхондарёликлар уруғлик чигит сотишдан ҳам мўмай даромад олишни кўзламоқдалар. Чунки 8800 тонна маҳсулотни Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси хўжаликларига сотиш режалаштирилган.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

## Сифатга эътибор

***Қува пахтани қайта ишлаш ҳиссадорлик жамияти ўтган йили Ёзёвон ва Қува туманлари пахтакорлари етиштирган 25 минг тонна "оқ олтин"ни қабул қилиб олган эди.***



Ўтган даврда ана шу хомашёнинг асосий қисми қайта ишланиб, ундан олинган тола хорижга экспорт қилинди.

Айни кунларда корхона марказий лабораториясида уруғлик чигит тайёрлаш, унинг сифати ва унумдорлигини ошириш борасида ибратли ишлар олиб борилмоқда.

***СУРАТДА: лаборатория ходими Хурсаной Юсупова тола сифатини кўздан кечирмоқда.***

**М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

# ЧУСТ АЗАЛИЙ МАВҚЕИНИ ТИКЛАМОҚДА

Чуст деганда, ўзининг заргарона ишланган пичоқлари, моҳирона тикилган дўппилари билан ном таратиб келган ҳунармандлар кўз олдимизга келади. Шу билан бирга, ушбу шаҳарнинг юқори қисмидаги "Буваномозор" ёдгорликларидан топилган ноёб топилмалар бу юрт одамлари қадимдан деҳқончилик билан шуғулланиб келганликларидан дарак беради. Шунданми, табиати гўзал тоғолди туманида деҳқончилик соҳасида ўзига хос тажриба мактаби яратилган. Хусусан, экинларни суғориш бўйича яратилган "Чуст усули"да ҳозирги кунда ҳам тармоқда кенг фойдаланиб келинмоқда.

### *Ислоҳот одимлари*

2004 йил, айниқса, чустликлар учун омадли келди. Пилладан 175 тонна хирмон кўтарилган бўлса, 26 минг тонна сара дон давлат омборига тўкилди. Айнан шу йили туман пахтакорларининг 8 йилдан бери ушалмай келган орзулари ҳам рўёбга чиқди. Бунинг ўзига хос омиллари бор, албатта.

Таъкидлаш жоизки, бултур эрта кўкламда туманга янги раҳбар келгач, у даставвал ишни тажрибали деҳқонлар билан суҳбатлашишдан, мавжуд муаммоларнинг илдизини топишдан бошлади. Шунингдек, етакчи мутахассислар билан бирга туманнинг имкониятлари, ярми дашт, тошлоқ ерлардан иборат 16 та хўжаликнинг шарт-шароити таҳлил қилиниб, зарур тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўз навбатида, туманнинг пахтачиликдаги қолоқлиги, режанинг муттасил бажарилмаётгани республика ҳукуматининг диққат-эътиборидан четда қолмади. Бу нохуш ҳолатнинг олдини олиш чоралари кўрилиб, жумладан, туманга 20 дан зиёд ҳайдов ва чопиқ тракторлари, ОВХлар, 100 та артезиан қудуқ насослари ва қўшимча минерал ўғитлар ажратилди. Пировардида буларнинг ҳаммаси ўз самарасини берди.

Ҳозирда туман меҳнаткашлари жорий йил ҳосили тадоригида сидқидилдан ҳаракат қилишмоқда. Хусусан,экин майдонлари сифатли шудгордан чиқарилди. Мавжуд техникалар таъмирланиб, ариқ-зовурлар тозаланмоқда. Айниқса, маҳаллий ўғит жамғаришга эътибор қаратилиб, 50 минг тонна гўнг, 15 минг тонна компост тайёрлаб қўйилди.

Шу билан бирга, туманда бошқа соҳаларда ҳам туб ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, "Чуст-Голден-Фрут" Ўзбекистон-Лихтенштейн қўшма корхонасида мева шарбати ва пюре ишлаб чиқарилмоқда. 2003 йилда ушбу корхона томонидан 224 минг АҚШ доллари, ўтган йили эса 554 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

Қурама тоғлари этакларига туташиб кетган Қорақўрғон қишлоғида Нурота мармари билан рақобат қила оладиган травертин ва чиғаноқли тошларнинг мавжудлиги эса маҳаллий тадбиркор Фахриддин Расуловни қўшма корхона ташкил этишга ундади. Бугунга келиб, "Мармар-Ф" Ўзбекистон-Россия-Қирғизистон қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган мармар ва травертин плиталарининг хорижда ҳам бозори чаққон. Хусусан, корхона маҳсулотлари Россия, Эстония, Қозоғистон, Қирғизистон, Франция каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Шунингдек, пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хиёбони", Тошкент метрополитени, "Чорвоқ" меҳмонхонаси, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида бунёд этилган қатор мажмуаларни Чустда ишлаб чиқарилган нафис ва бежирим плиталар безаб турибди.

Кейинги пайтларда Чустда ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, тиббиёт ва маиший хизмат кўрсатиш йўналишидаги коллеж, миллий банк, маданий-маиший ҳамда маъмурий бинолар, савдо дўконлари шаҳар ҳуснига-ҳусн қўшмоқда. Мана шундай хайрли ишларга 2004 йилда 16 миллиард 69 миллион сўм маблағ сарфланди. Пудрат ишларининг ҳажми 2 миллиард 249 миллион сўмни ташкил этди. Таълим-тарбия муассасаларини таъмирлашга эса 200 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Туманда спортнинг стол тенниси, енгил атлетика, футбол, бокс каби турлари, айниқса оммалашиб бораяпти. Енгил атлетикачи Валентина Биссерева, стол теннисчилари опа-сингил Севара ва Саида Қодировалар, Мадина Аюбова турли халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Боксчи Илҳом Раҳимов эса Жанубий Кореяда ўтказилган ёшлар ўртасидаги 13-жаҳон чемпионатида иккинчи марта жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

Бир сўз билан айтганда, Чуст аввалги мавқеини тикламоқда. Меҳнат аҳли эса жорий йилда барча соҳаларда янги-янги муваффақиятларга эришиш йўлида ғайрат-шижоат кўрсатмоқда.

**Набижон НАЗАРОВ, журналист.**



*Мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тармоқлари каби матбаа соҳасида ҳам изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Боиси — хориждан замонавий, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган техника воситалари олиб келиниб, янги корхоналар бунёд этилмоқда. Натижада юқори дизайнли, замонавий, аҳолининг эътиборини тортадиган турли хил полиграфия маҳсулотлари кўпаяяпти. Хусусан, Сирдарё шаҳар босмахонасида ташкил этилган "Sirdaryo Print" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган даврий нашрлар, дафтар, таклифнома,ташрифнома, иш қоғозлари сифати ҳамда ранг-баранглиги жиҳатидан харидорларга манзур бўлмоқда. Ўтган йили жамиятда 83 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, катта фойда олинган эди. Унинг бир қисми корхона ва шаҳардаги ногирон кишилар ҳамда кам таъминланган оилаларга хайрия сифатида ажратилди.*

**СУРАТДА: тажрибали матбаачи Денис Посин иш устида.**

**Муҳаммад КАРИМ (ЎзА) олган сурат.**

# «Ўзбекистон йўллари»

*Йўллар... Уни мамлакатнинг қон томирларига қиёслаш мумкин. Йўллар сизу бизни олис манзилларга етаклайди, у қанчалик обод ва равон бўлса, манзилнинг олислиги ҳам сезилмайди. Муқаддас китобларда йўл қурганнинг савоби ҳақида кўп улуғ гаплар айтилиши ҳам шундандир, эҳтимол.*

Сўнгги йилларда юртимизда йўллар қурилишига катта эътибор берилмоқда. Чунки халқларни, юртларни яқинлаштиришда, иқтисодиётимиз ривожида йўлларнинг аҳамияти катта. "Ўзбектелефильм" студиясида суратга олинган "Ўзбекистон йўллари" ҳужжатли фильмини томоша қиларкансиз, бу хайрли ишни бажариш нечоғли машаққат, айни пайтда масъулият талаб қилишининг гувоҳи бўласиз. Ўзингизни йўлсоз-бунёдкорлар билан бир сафда ҳис қиласиз.

Ғаффор Ҳотамов ва Абдурауф Қоржовов сценарийси асосида суратга олинган ушбу фильм мустақиллик йилларида қурилган халқаро автойўллар, кўприклар, темир йўллар, умуман, ушбу соҳадаги бунёдкорлик ишларидан ҳикоя қилади.

Буюк Ипак йўлининг замонга мос тикланиши деб талқин қилинаётган ва мамлакатимизни жаҳоннинг бир қатор давлатлари билан боғловчи ушбу йўллар қурилишининг меъмори Юртбошимиз Ислом Каримовдир.

### *Янги фильм*

Фильмда Мустақил Ўзбекистонни сув ва қуруқлик орқали жаҳоннинг ўнлаб мамлакатлари билан боғловчи "Тошкент — Ўш — Қашқар", "Термиз — Афғонистон", "Туркманистон — Сарахс — Машҳад", "Навоий — Учқудуқ — Султонувайстоғ — Нукус", "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" сингари бир қатор автомагистрал ва темир йўллар, кўприклар, уларни қурган бунёдкорлар ҳақида ҳикоя қилинади. Фильмни томоша қилиш давомида юртимиздаги йўлсозлик тарихи, бугуни ва келгусидаги режаларидан хабардор бўласиз. Шунинг баробарида жаннатмонанд юртимизнинг гўзаллиги, такрорланмас табиати, осмонўпар тоғлари, боғу роғлари билан рўбарў келасиз, мард ва танти, бунёдкор одамлари суҳбатдошингизга айланади...

Икки қисмдан иборат бўлган ушбу фильм ижодкорлари истиқлол туфайли бунёд этилган йўлларнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизни барқарорлаштириш, маданий алоқаларимизни ривожлантиришдаги ҳиссасини атрофлича очиб бера олган.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА, "Халқ сўзи" мухбири.**

# Ойни этак билан ёпиб бўлмайди

***Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти учун барча имкониятлар эшиги очиқ. Улардан самарали фойдаланиб, қаддини тиклаб олган тадбиркорлар Хоразм вилоятида анчагина. Ишбилармонлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бирга амалга оширилаётган юмушлари тўғрисида давлат солиқ инспекциясига ўз вақтида ҳисобот тақдим этмоқдалар. Бироқ «Гуруч курмаксиз бўлмайди» деганларидек, тадбиркорлар орасида кассага топширилиши лозим бўлган нақд пулни яширишга уринаётганлар ҳам учрамоқда. Келинг, далилларга мурожаат қилайлик.***

### *Ҳаром ош — оғритар бош*

Урганч туманидаги «Жабали-нур» масъулияти чекланган жамиятининг банкдаги ҳисоб рақами таҳлил қилинганда, қонунбузарликка йўл қўйилганлиги аниқланди. Бу корхона ўзининг ҳисоб рақамидаги маблағдан автомобиль учун 65 миллион 400 минг, озиқ-овқат маҳсулотлари учун 75 миллион 200 минг, гуруч маҳсулотлари учун 55 миллион, жами 195 миллион 600 минг сўм маблағни бошқа юридик шахслар ҳисоб рақамига ўтказган. Ўз навбатида «Жабали-нур»нинг ҳисоб рақамига қурилиш материаллари учун 111 миллион 500 минг, эҳтиёт қисмлар учун 88 миллион 700 минг, автомобиль учун 30 миллион, жами 230 миллион 200 минг сўм келиб тушган. Ушбу маҳсулотлар улгуржи сотилган бўлса-да, банкка умуман нақд пул топширилмаган.

Худди шундай аҳвол Боғот туманида давлат рўйхатидан ўтган «Дадахон Рашид ўғли» хусусий фирмасида ҳам содир этилган. Давлат солиқ инспекцияси ходимлари ушбу фирмада текширув ўтказганларида қуйидагилар маълум бўлди. Фирма «Саноатқурилишбанк»нинг вилоят бўлимида ҳисоб рақами очиб, қарийб 80 миллион 417 минг сўмлик маблағни энг харидоргир маҳсулотлар учун, 9 миллион сўмни эса халқ истеъмоли моллари харид қилиш мақсадида ўтказган. Ўз навбатида фирманинг ҳисоб рақамига турли корхона ва ташкилотлардан ҳар хил маҳсулотлар учун 17 миллион 287 минг сўм маблағ келиб тушган. Афсуски, фирма раҳбари ўзининг чўнтагини қаппайтирган-у, банкка нақд пул топширишни унутган.

Вилоятда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талаблари ҳам бузилаётгани кузатилмоқда. Масалан, Гурлан туманидаги «Гурлан савдо сервис» корхонасида текшириш ўтказилганда, 5 миллион 372 минг сўм пул назорат касса машинасига кирим қилинмасдан, бошқа мақсадлар учун ишлатиб юборилганлиги аён бўлди.

Бундай камчиликларнинг олдини олиш мақсадида вилоят солиқ инспекцияси ходимлари жойларда тез-тез фуқаролар билан учрашувлар, «Давра суҳбатлари» ўтказмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, солиқ қонунчилиги аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинмоқда.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**
**Шавкат ХУДОЙБЕРГАНОВ, журналист.**

«Ватан ғурури» танловига



# Эл ардоғидаги аёл

Биринчи лавҳа

### Умр дегани хатони кечирмайди

Шом пайти эди. Ақида опа ишини тугатиб, уйга кетишга ошиқаётганди. Шу пайт эшик оҳиста чертилди. Остонада сочларига оқ оралаган ўрта яшар киши кўринди.

— Узр, устоз, — деди у ноқулай вақтда келганидан хижолат тортиб. — Сизни йўлдан қўймоқчи эмасдим. Аммо эртагача узил-кесил ҳал этишим шарт бўлган бир масалада маслаҳатингиз жуда асқотиб қолди. Шунга...

— Марҳамат, бемалол кираверинг, — Ақида опа пальтосини жойига қайта иларкан, меҳмонни ичкарига таклиф қилди. Икковлон бақамти ўтириб олиб, ҳол-аҳвол сўрашишгач, унга саволомуз тикилди: "Тинчликми ишқилиб?"

— Хабарингиз бор, — деди шогирд муддаога ўтиб, — сизга шогирд тушган кезларим тўнғич қизим ҳали тетапоя ҳам бўлмаганди. Энди эса оқи оққа, қизили қизилга ажраб, бўй етди. Олдинги ҳафта бир хонадондан унга кетма-кет икки марта совчи келди.

Хушхабарни эшитиб, Ақида опанинг юзларига табассум ёйилди. Ўз қизларига совчилар келган дамларни эслаб, ширин энтикиб қўйди.

— Хўш, бунинг нимаси ёмон? — деди сўнгра ҳамон алланечук тунд қиёфада ўтирган суҳбатдошига синчков боқиб. — Ахир, пишган қовун палагида, етилган олма саваҒида турмаганидек, қиз зоти ҳам қанот чиқарган қушдек бир кун ота уйидан учади-кетади-да. Қолаверса, одам боласи аслида онадан ярим кўнгил билан туғилади. Балоғатга етгач, тенг-тўшини қўмсайди. Ахтарганини топса, икки ёрти бир бутун бўлиб, ўз бахтини яратишга интилади. Табиат қонуни шундай. Бундан фақат қувониш керак.

— Гапингиз тўғрику-я, лекин... — меҳмон дилидагини тилига чиқаролмай бирпас қийналди. Кейин ростига кўчди. — Очиғини айтсам, келинингиз иккимиз қизимизга оғиз солган томонни яхши танимаймиз. Орқаваротдан эшитишимизча, анча бой-бадавлат, қўша-қўша дўкону машиналари, қаср монанд уй-жойи бор экан. Бизнинг аҳволимиз эса ўзингизга маълум — маош ҳисобига кун кечирамиз. Шунинг учун баланд дорга осилгимиз келмади. "Тенг тенги билан" нақлига амал қилиб, рад жавобини бердик. Барибир, қарши тараф катта кетибди. "Қанча маблағ зарур бўлса, бизга тан. Ёлғиз ўғлимиздан боримизни аямаймиз. Фақат тўйни тезлаштиришса, бас!" деб, қулчиликка қайтадан одам юборибди. Шундан андак хавотирланиб қолдим.

— Қизингиз-чи, қизингиз? Унинг рўй-хоҳиши қанақа? — Ақида опа шогирдининг гапини бўлиб сўради.

— У бояқишнинг ҳам боши роса қотди. Айниқса, куёв бўлмиш эрка ўсганидан огоҳ топгач, қандай қарорга келарини билмай қолди. Ахийри, онасига "Сизлар нима десангизлар — шу!" деганмиш.

— Ундай бўлса, асти шошманг, — Ақида опа қаддини ростлаб, ўрнидан қўзғалди. — Ҳарқалай, бу — умр савдоси! — деди алоҳида таъкидлаб. — Бас, шундай экан, куёвликка талабгорнинг насл-насабини, хулқ-атворини суриштиринг, обдон суриштиринг. Акс ҳолда, билиб-билмай қизингиз бахтига зомин бўлишингиз, ўзингиз ёққан ўт алангасида ўзингиз куйиб қолишингиз мумкин, ука...

Ўша оқшом Ақида опанинг ишхонаси чироғи алламаҳалгача ўчмади. Устозу шогирд оила ва турмуш, ҳаёт ва бахт тўғрисида она-бола мисоли узоқ суҳбат қурдилар.

Иккинчи лавҳа.

### Бир ёмонга бир яхши ҳар жойда бор...

Инсон ёши улғайгани сайин қуш уйқу бўлиб қолар, кеч ётиб, эрта туришга одатланар экан. Мана, Ақида опадан қиёс: у бугун ҳам тонг саҳарлаб уйғонди. Ҳовлида юз-қўлини ювгач, ошхонага ўтиб, чой қўйишга тутинди. Худди шу пайт ташқаридан кимдир исмини айтиб чақиргандай бўлди. Дарвозани очиб қараса, кўчада қуйи маҳаллалик жувон турибди: юзлари сўлғин, қовоқлари шишган, кўзлари киртайган. У Ақида опа билан кўришаётиб, ҳиқиллаб йиғлаб юборди.

— Хўжайиним кеча хуфтонда тағин ичиб келди, — деди ўпкасини босолмай. — Ярим тунгача жанжал қилиб, роса ҳунар кўрсатди... Кунда-кунаро шу аҳвол. Бу кетишда охири нима билан тугайди, айтинг, холажон? — жувон аламидан зўрлигидан гапиролмай қолди. Кўз ёшларини енгига арта туриб: — Ажрашаман! — деди тўсатдан қатъий оҳангда. — Ажрашгандаям, тўрт боламни ўзига ташлаб кетиб ажрашаман...

— Ҳай-ҳай, унақа деманг, жон болам, — Ақида опа лабини тишлаб, бошини сарак-сарак чайқади. — Яхши гапгаям, ёмон гапгаям фаришталар омин дейди-я, — деди жувоннинг елкасига қоқиб. — Отаси пиянисга бўлса, болаларда нима гуноҳ? Бургага аччиқ қилиб, кўрпа куйдириш керакми? Йўқ, бу ниятингиздан қайтинг. Яхшиси... — у босиқлик билан жувонни муросага чақирди. — Яхшиси, ҳозирча сиз дамингизни чиқарманг. Мен ўзим мавридини топиб, эрингиз билан бафуржа суҳбатлашаман. У аслида дуруст йигит, инсофга келиб қолса, ажабмас. Хўпми, қизим?..

Орадан тўрт-беш ҳафта ўтгач, бояги жувон бир боласини кўтариб, қолганларини етаклаб яна Ақида опаникига кириб келди. Кўриниши бинойидеккина, кайфияти хуш, тили бийрон-бийрон эди.

— Куёвингизнинг сизга ихлоси баланд экан, — жувоннинг кўзларида ўт чақнаб кетгандек бўлди. — "Шу аёл фариштага ўхшайди. Уни онам қатори яхши кўраман. Яхши кўрганим ҳаққи-ҳурмати йўриғидан чиқмайман — энди минбаъд ичмайман" деб сўз берди. Ҳозирча лафзидан қайтгани йўқ, уйимиз тинчиб қолди... Катта раҳмат, сизга, хола!

— Илоё, тотувликларингга кўз тегмасин. Бола-чақаларингиз бахтига омон бўлинглар!

Дуога қўл очган Ақида опа ўғил-қизлари билан кўчани тўлдириб бораётган жувон ортидан мамнун қараб қолди.

Учинчи лавҳа

### Ёлғизнинг юргани билинмас

Бу чолга авваллари кўпчиликнинг ҳаваси келарди. Чунки унинг юзларидан нур ёғиларди, ўзи давралар тўрида кўр тўкиб ўтирарди. Энди эса...

— Пешонамда борига кўникмай иложим қанча? — деди у ногаҳон дил ёриб. — Кампирим раҳматли ҳалимдай мулойим, хўп бебаҳо аёл эди. Бироқ паймонаси эртароқ тўлди. Тўғри, ундан кейин кўчада қолганим йўқ. Худога шукур, болаларим, келинлариму невараларим атрофимда парвона. Еганим олдимда, емаганим кетимда. Фақат... — Шу ерга келганда чолнинг овози титраб кетди. Мужгонларига билинар-билинмас нам инди. — Ёлғизликнинг оти ўчсин, она қизим. Хоҳ ёшдир, хоҳ кексадир, ҳамманиям ёнида вақти-бемаҳал иссиқ-совуғидан хабар олиб турадиган танмаҳрами бўлсин экан...

Ақида опа қария нимага шаъма қилаётганини осонгина илғаб олди. Эртасигаёқ отанинг ўғилларига учрашиб, бор гапни ётиғи билан тушунтирди. Табиий, улар дастлаб тутақиб кетдилар. Бора-бора хатоларини тан олдилар. Оналари вафотидан кейин оталарига, лоақал номига бўлсин, бирон марта ҳам уни уйлантириб қўйиш ҳақида сўз очмаганларидан афсусландилар.

Авжи куз чоғи Ақида опа отахонни автобус бекатида узоқдан кўриб қолди. Бу сафар у ёлғиз эмасди — ёнида шойи рўмол ўраган кекса аёл ҳам бор эди. Чол гоҳ қўлларини пахса-пахса қилиб унга нималарнидир уқтирар, гоҳ оғзини катта-катта очганча оппоқ соқолларини селкиллатиб куларди.

Мухбир шарҳи

### Унинг ҳаёти — матонат мактаби

Юқоридагига ўхшаш воқеаларни Ақида Турғунова 76 йиллик умри мобайнида кўп бор бошидан кечирган. Ва ҳар гал одамлар корига яраган, ҳеч кимдан қўлидан келган ёрдамини аямаган. Шу боис Наманган шаҳрида уни кўпчилик танийди, астойдил ҳурмат қилади. Ёшлар "Ўзимизнинг бувижонимиз" деб эъзозласалар, катталар "Ҳожи онамиз" дея фахрланадилар. Туғишган сингиллари эса волидалари ўрнида кўриб, "Аяжон!" деб чақирадилар. Бу бежиз эмас, албатта.

Улар оилада етти қиз эди. Кетма-кет туғилгандилар. Афсус, онадан эрта жудо бўлдилар. Жилла қурса, ота меҳрига ҳам тўйиб-тўйолмадилар. Оғир дард унинг илигини қуритди, ҳаётдан барвақт олиб кетди. Охир-оқибат етимчалар рўзғорининг бор ғам-ташвиши ҳали суяги қотмаган бош фарзанд — 14 ёшли Ақиданинг гарданига тушди. У, аввало, азбаройи тирикчилик, қолаверса, касофат уруш туфайли болалиги билан бемаврид хайрлашди. Муштдайлигиданоқ эркаклар юмушига қўл урди. Уч ойлик ҳисобчилар тайёрлаш курсини битиргач, Наманган туманидаги собиқ "Пахтачи" жамоа хўжалигига ишга кирди. Кундузлари ҳисоб-китоб билан шуғулланса, кечқурунлари мактабга қатнади.

Урушдан сўнг олий маълумотли бўлишга аҳд қилди. Эзгу ниятда Тошкентга келди. Молия институти талабаси бўлди. Шунда-да сингилларидан меҳр-мурувватини аямади. Кичикларини қариндошларида қолдириб, катталарини ўзига эргаштирди. Уларни ҳам ўқишга киритиб, аълочи талабалиги учун олаётган қўшалоқ стипендияси эвазига моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турди. Кейинчалик оила қургач, бу борада тафтишчи турмуш ўртоғи Исмоилжон аканинг мададига таянди. Натижада сингилларидан уч нафари иқтисодчи, икки нафари муаллима, бирови шифокор бўлиб етишди. Улар ўзларига бир умр ҳам оталик, ҳам оналик қилган опалари туфайли ҳаётда ўринларини топдилар, уйли-жойли бўлдилар.

Ақида Турғунова ярим асрдан ортиқроқ Наманган вилояти ва шаҳри молия ташкилотларида турли лавозимларда ишлади. Шунингдек, вилоят Хотин-қизлар кенгашининг фаол аъзоси сифатида аёллар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга, уларнинг жамиятдаги мавқеини кўтаришга, оилаларни мустаҳкамлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшди. Эл-юртга удли-шудли олти фарзанднинг оқила онаси, ўттиздан ортиқ неваранинг, ўнга яқин эваранинг суюкли бувиси сифатида танилди. У ҳамон меҳнат қилишдан чарчагани йўқ. Ҳозир ҳам шаҳар молия бўлимида ишламоқда, ёшларга тажрибасини улашмоқда.

— Мен кекса мутахассис сифатида бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим, — дейди онахон мамнуният билан. — Истиқлол йиллари барча жабҳаларда бўлгани каби мамлакатимиз молия тизимида ҳам кескин ўзгаришлар ва янгиликлар рўй берди. Соҳамиз тубдан ислоҳ қилиниб, ҳисоботларни қабул қилиш, жамлаш ва таҳлил этиш замонавий техника-технологиялар зиммасига юклатилди. Бинобарин, бугунги молиячиларнинг вазифаларидан бири давлат маблағи ва халқ бойлигини талон-торож қилишликларнинг олдини олишдан иборатдир. Бунинг учун улар ҳалол ва тўғри ишлашлари, ўзларига ҳам, ўзгаларга ҳам талабчан бўлишлари шарт...

Бу ҳолат ҳар тонг такрорланади. Ақида опа нонуштадан сўнг фарзандлари ва келинларини ишга, набиралари ва эвараларини ўқишга кузатади. Сўнгра ўзи ҳам йўлга отланади. Кўчага чиқиши биланоқ баҳри-дили очилиб кетади. Қўни-қўшниларининг, таниш-билишларининг саломига алик оларкан, ич-ичидан "Замонамдан ҳам, бахтимдан ҳам ўргилай" дея шукрона келтиради.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Илмий ҳамкорлик

# МУШТАРАК МАҚСАД ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Миллий университетининг нуфузи нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам яхши маълум. Бундан беш йил муқаддам Президентимиз Фармони билан мазкур ўқув даргоҳига Миллий университет мақоми берилганди. Ўтган давр мобайнида таълим тизимида янги-янги ютуқлар қўлга киритилди. Кўплаб олиму фузалолар етишиб чиқди. Университет профессори, илмий ва халқаро алоқалар бўйича проректор Ҳожиакбар Тўйчиев билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Олий даргоҳда хизмат қилаётган 1102 нафар ўқитувчининг 182 нафари фан доктори, 642 нафари фан номзоди ҳисобланади. Улар талабаларга фан сирларини пухта ўргатиш билан бирга, ёшлар қалбида истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва илм-фанга фидойилик туйғуларини камол топтиришга интилмоқдалар. Илмий изланишлар, кашфиётлар, янгиликлар яратишга ҳам катта эътибор бермоқдалар. Биргина ўтган йили олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг самараси ўлароқ, фан янгиликлари учун 7 та инновация, 14 та ёшлар гранти ажратилди. Хўжалик шартномаси асосида 19 та илмий-тадқиқот иши олиб борилмоқда.

Мустақиллик йиллари университетда профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, ривожланган хорижий мамлакатлар олий ўқув юртлари билан тажриба алмашиш масаласига ҳам катта эътибор қаратилди. Натижада бу ерда миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари, санъатшунослик, политология, экология ва табиатдан фойдаланиш, картография ва кадастр каби янги йўналишлар, ижтимоий-сиёсий фанлар ва компьютер технологиялари факультетлари фаолият кўрсата бошлади. Бир неча ўқитувчининг АҚШ, Греция, Англия сингари ривожланган давлатлар университетларида малака ошириб келганлиги айни муддао бўлди. Бундан ташқари, Россия Фанлар академияси Сибирь бўлимининг Математика институти, Москва, Новосибирск, Красноярск, Бонн (Германия), Чангвон (Корея) университетлари ҳамда Марказий Осиё давлатлари олий ўқув юртлари билан илмий алоқалар кучайиб бораётир.

Айни пайтда Москва давлат университетининг механика-математика факультети билан ҳамкорликда INTASнинг «DO-1075 INTAS» дастури бўйича «Орол денгизи ҳавзаларида сув тежамкорлиги ва қишлоқ хўжалиги ерларининг тузланишини камайтиришга оид экологик жараёнларни математик моделлаштириш» мавзусида халқаро грант бажарилмоқда. «Минерология ва геохимия» кафедраси ходимлари эса 2004 йилда Шарқий Ўзбекистон олтин конлари бўйича дала ва лаборатория ишларини амалга оширдилар.



Университетда илмий салоҳиятини ошириш янги-янги тадқиқотлар, лойиҳалар, грантлар билан ишлашни мақсад қилган ёшларга кенг имкониятлар яратилган. Дунёдаги илғор олий ўқув юртлари билан ўзаро тажриба алмашиш, малака ошириш ва кадрлар алмашинуви яхши йўлга қўйилган. Ўз навбатида 16 давлатдан келган талабалар, стажёрлар, аспирантлар, магистрлар ва ўқитувчилар Миллий университетда таълим олмоқдалар.

**Азизахон**
**ЗАЙНИТДИНОВА,**
**олима.**

# ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

### Фаластин норози

*Исроил ҳукуматининг 900 нафар маҳбусни озод қилиш ҳақидаги қарори Фаластин раҳбарияти томонидан ҳақорат деб баҳоланди. Бу ҳақда Ha'aretz агентлиги хабар беради.*

*Пайшанба куни Исроил Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги баъзи шаҳарлардан қўшинларни олиб чиқиш, шунингдек, маҳбусларни озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Улардан 500 нафари дарҳол ва қолган 400 маҳбус яқин уч ой ичида озодликка чиқарилиши кўзда тутилганди. Бироқ Исроил бош вазири А.Шарон озодликка чиқариладиганлар орасида террорчилик актларига алоқадор бирорта фаластинлик бўлмаслигини таъкидлаган эди. Айнан шу таъкид Фаластин норозилигига сабаб бўлди.*



### Сайловларда ас-Сиатин иттифоқи пешқадам

*Ироқ олий сайлов комиссариати (марказий сайлов комиссияси) ҳозиргача 1,6 миллион сайлов бюллетенлар(жами сайлов қатнашчиларининг 10 фоизи)ини санаб чиқди. Дастлабки маълумотларга қараганда, таҳлилчилар кутганидек «Бирлашган иттифоқ» номзодлари етакчилик қилмоқда. Сайловнинг якуний натижалари 7-10 февраль оралиғида маълум қилинади.*

### Тасодифми ё қотиллик?

*3 февраль куни Грузиянинг 42 ёшли Бош вазири Зураб Жвания вафот этди. Ҳозирча унинг ўлими билан боғлиқ ягона тахмин сифатида газдан заҳарланиш тилга олинмоқда. Бош вазирнинг ўлими сабабли, унинг ваколатларини Грузия президенти Михаил Саакашвили вақтинча ўз зиммасига олиб, халқни осойишталикка ва тартибни бузмасликка чақирди. Расмийларнинг маълум қилишича, ҳукумат раҳбарининг ўлими юзасидан тергов-қидирув ишларини мамлакат бош прокуратураси Америка контрразведка хизмати билан биргаликда олиб боради.*



*Президентнинг айни пайтда Бош вазирлик ваколатларини ўз зиммасига олиши ҳақидаги дастлаб тан олинмаган маълумотлар Саакашвили томонидан расман баёнот берилгандан сўнг тасдиқланди. Кўплаб кузатувчи ва сиёсатчиларнинг тахмин қилишича, энди Бош вазир лавозимига ҳозирги парламент спикери Нино Бурджанадзе тайинланиши мумкин.*

### Губернатор тасдиқланди

*РИА «Новости»нинг хабар беришича, кеча Приморье ўлкаси маҳаллий вакиллик органи С.Дарькин номзодини губернатор лавозимига тасдиқлади. Шу тариқа, ўлка депутатлари Россияда биринчи бор Федерация субъектининг ижро этувчи ҳокимияти раҳбарини янги тартиб бўйича сайлашди. Шу йил ёзда ваколат муддати тугаши керак бўлган Дарькиннинг ўзи ушбу ташаббус билан чиққан.*

*Бундан бир неча ой илгари Россия президенти В.Путин томонидан илгари сурилган губернаторларни тайинлаш ва сайлашнинг янги тартиби жуда катта баҳс-мунозаралардан сўнггина мамлакат вакиллик органлари томонидан тасдиқланган эди.*

### Бош вазир сайланди

*28 январь куни президент В.Юшченко Бош вазир лавозимига Тимошенко номзодини кўрсатган эди.*

*Кеча Олий Раданинг 373 депутати унинг номзодини тасдиқлади. Ушбу масалада асосий баҳс Украина социалистик партиясининг парламентдаги фракцияси билан қолган сиёсий гуруҳлар ўртасида юзага келган эди. Юлия Тимошенко Украина тарихидаги ҳукумат раҳбарлигига сайланган биринчи аёл кишидир.*



КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОСИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**

**танлов савдосини эълон қилади.**

1. Навоий вилояти, Кармана тумани, «Нарпай» ширкат хўжалигида 5-тип болалар спорт мажмуаси (калити билан) қурилиши.
2. Навоий вилояти, Конимех тумани марказида болалар спорт мажмуаси (калити билан) қурилиши.

*Буюртмачи — Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уйда жойлашган Навоий вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш инжиниринг компанияси. Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, ҳомийлик ва хайрия маблағлари ҳисобидан олиб борилади.*

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).*

Танлов савдоларида қатнашиш талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси —

**Навоий шаҳри, С. Айний кўчаси, 32-уйда жойлашган республика бошқармасининг Навоий вилояти қурилишда танлов савдоси ва нархларни шакллантириш марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел/факс: 225-53-85.**

Ҳужжатлар бир йиғламасининг (комплект) қийматининг нархи — 50 минг сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

«Узбекгидроэнергострой» тресті
«O'ZBEKGIDROENERGOQURILISH»
очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилганлиги сабабли

**«ЭНЕРГОҚУРИЛИШИНДУСТРИЯ» ишлаб чиқариш корхонаси «ENERGOQURILISHINDUSTRIYA» шўъба корхонасига АЙЛАНТИРИЛДИ.**

«ЭНЕРГОҚУРИЛИШИНДУСТРИЯ» ишлаб чиқариш корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари «ENERGOQURILISHINDUSTRIYA» шўъба корхонасига ўтказилди.

Эълон чоп қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида барча талабномалар Бўстонлиқ туманининг Искандар қўрғонида қабул қилинади.

Телефонлар: (8-274) 22-554, 20-247; 136-60-60.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

**ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

1. Қўрғонтепа тумани «Дардак» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги маҳалла болалар спорт мажмуаси (V-тип) қурилиши.

*Буюртмачи — Андижон вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси (Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 45-уй. Тел.: 25-25-61, 24-33-72). Қурилиш ишларини молиялаштириш 2005 йил манзил рўйхатига асосан марказлашган давлат капитал маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

**Андижон шахри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-а уй. Тел./факс: 24-72-79.**

**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.**

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилида ўтказилади.*

